

МАРҲУМЛАР ХОТИРАСИНИ ЭСЛАШ, ЭЪЗОЗЛАШ - САВОБ ИШ

Ислом КАРИМОВ



Қонун - ҳам қилч, ҳам қалқондир!



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан
ЧИҚА БОШЛАГАН

1999 йил
11 май, СЕШАНБА

№ 19 (119)

Сотувда эркин
нархда

Хотирланг ва Қадрланг

Қололмас
жаҳон ичра
мангу киши,
Фақат
қолгуси яхши
ному иши.



ХОТИРА ВА ЭЪЗОЗ

Азиз дўстлар! Ўзбекистон ҳуқуқшунослари, фахрийлари, қонунчилик жонқуярлари, адлия ва суд идоралари фидоийлари, ҳамқаблар!

Иулбошчимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан тақвимномамиз зарварақларида яна бир муқаддас сана — Хотира ва Қадрлаш кунини пайдо бўлди. Бу — моҳиятан беқиёс, маънавий оламимизни янада юксакликка етакловчи ташаббусни мамлакатимиз аҳли беҳад катта қувонч ва эътибор билан қабул қилди, қўллаб-қувватлади. Утмишсиз келажак бўлмайди, деб бежизга айтишмаган. Бугунги доруломон кунларга ўз-ўзидан келиб қолганимиз йўқ. Минглаб миллатимиз, Ватанимиз фидоийлари қолдирган буюқ яратувчилик ҳосиласи, тафаккури маҳсули, тарихий мероси, озолик учун курашларига жонфидоилар қўлагига юрт пойдевори бунёд

«9 Май - Хотира ва Қадрлаш кунини»
умумхалқ байрами муносабати билан
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини
ТАБРИГИ

бўлган. Фашизм балоси, қиргинбарот урушларда жон олиб-жон берган ватандошларимиз хотираси адолат тимсоли сифатида кўз олдимизда унганаяпти. Бу кунларда ҳар бир инсон ўтмишдаги қаҳрамон ва фидоий аждодларини эслашга, руҳларини шод этиш учун дуога қўл кўтараяпти. Ота-боболар, муқаддас онамомолар, зукко устозлар ва меҳрибон мураббийлари хотирасини эъзоз билан ўрнига қўяёпти. Нафақат узоқ ўтмиш, марҳумлар ёди, балки яқин тарихимизда, кунин-кеча ўтганлар, қоларивас, бугунги кунимизда саловат билан барча ишларимизда бош-қош бўлиб

юрган муборак инсонларга таъзим, эъзоз билдириляпти. Юртбошимиз Фармонларда таъкидланганидек, бу иш ор-номус, виждон иши, маънавий бурч тарзида қабул қилинганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Рамзий жиҳатдан 9 Май - фашизм устидан ғалабага эришилган кун. Фармонда «Фашизм устидан ғалабага ҳисса қўшган» жумласи ортдан «Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, бор куч-қувватини аямаган бирор бир фахрий, бирор киши унутимаслиги керак, уларнинг ҳар бирига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши шарт» дейилиши байра-

мимиз моҳиятини яна бир бор сайқаллаган. Муҳтарам дўстлар! Ушбу муқаддас байрам арасида, келинг, ҳуқуқ соҳаси фидокорларининг барчасини номма-ном тилга олайлик, ҳуқуқ кўргани бунёд этилишидаги жонбозлик ва ҳиссаларини, адолат йўлидаги меҳнатларини эслайлик, қадрайлик, эъзозли хислатларини таъкидлайлик, устоз-фахрийларимизга соғиқ, узоқ умр ва шараф тилайлик. Уларнинг хайрли ва муқаддас ишларининг ҳақиқий давомчилари бўлиб қолайлик. Адлия вазирлиги раҳбарияти, хайъати, жамоаси номидан Ватанимиз раванқи узага хос ҳисса қўшган ва қўшаётган барча ҳуқуқшуносларни, суд ва адлия соҳаси фахрийларини ва ходимларини, оила аъзоларини ва улар орқали барча адолатсевар, инсонпарвар ватандошларимизни ушбу муқаддас кунларда яшаш ва яратиш насиб этганини, маънавий оламни юксакликка олиб чиқувчи ХОТИ-

Халқ, миллат дардига дармон бўлмоқ барчанинг муқаддас бурчидир.

АМИР ТЕМУР

РА ВА ҚАДРЛАШ КУНИни байрам қилишдек саодатли кунларга етиб келганлиги билан самимий табриқлайман.

Иншоолло, бу - Ватанимизнинг раванқи йўлини нурафшон этишти хизмат қилувчи хотира, қадрлаш, эъзоз ва оқибат байрамимиз

тараққиёт йўлимиздаги янги қирра ва довлонларни забт этишда ҳар биримизга янги куч ва қудрат бағишлай!

Сирожиддин МИРСАИДОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Адлия вазирини

Хатлар очилганда ГЎШТ ҚАНИ?

ЕГАН
БЎЛСА -
МУШУК
КАНИ?

Муҳтарам «Инсон ва қонун!» Сизларга 5 фарзанднинг ота-онасига мурожаат қилаётимиз.

1997 йил январда биз кредитга автомашина сотиб олмоқчи бўлиб, Иштихон туман ҳокимиятига қатнаб юрган пайтимизда Уроқов Холиқул деган кимсага лут келдик. У ҳокимиятга автомашина олиш учун навбатда турганлигини, бироқ пули йўқлиги сабабли машина сотиб ололмаётганини 20.000 сўм пул эвазига ўз навбатини беришини билдирди. Рустамов Норжигит ва Саккибаев Хамдам деганлар бунга холис гувоҳ.

Бу бизга қўлай имкониятдек туюлди. Келишдик. Уроқов Иштихон туман ҳокимиятининг ўринбосари Ш.Қорабоевнинг хузурига қироб чиқди ва «Навбатимни Яхшибоевга берасиз деб айтидим, пулни беринг ва барча ҳужжатларни мени номимга тўлдиринг, машинани бемалол олаверинглар» деди.

4 кундан сўнг туман марказий касалхонаси олдига у билан учрашиб, Норжигит, Хамдамлар иштирокида биздан 20.000 сўмни санаб олди. Шу бўлди-ю, биз кредит масаласида Уроқовнинг уй-жойига доир ва бошқа барча ҳужжатларни БТИ, Қишлоқ совети, туман ҳокимияти, вилоят адлия бошқармаси каби идораларга қатнаб тайёрладиқ, маълум миқдор пул тўладиқ, сўнг «Асака банк»ни Самарқанд бўлимидан эрим Яхшибоев ва жияни Рустамов номига «перегошник» деган ҳужжат олиб «Асака»дан машина олиб келдик. Сўнг Уроқов ўз вазъисига қўра Яхшибоев номига у йиллик муддатта автомашинани бошқариш учун ишонч қоғози берди. Машинага давлат белгисини Каттакўрғон МРЗО ГНИ сидан биз олдик.

Уроқов 20.000 сўм эвазига навбат ўрнини берганида машина учун кредит пулини тўлиқ тўлаб бўганимиздан сўнг машинани бизга расмийлаштириб беришини айтган, иштихондан эди. Фириб берган экан, бир сўм ҳам ҳаражат қилмасдан, бизга тўлаттарди, расмий ҳужжатларда Уроқов но-

мидан жияним Рустамов Норжигит имзо чеккан ҳолда пул тўлов чипталари асл нусхаси бизда сақланиб турган бўлса-да, 1998 йил феврал ойига келиб, пинҳона равишда машинани олиб қўйди.

Бу иш барча қонун талабларига хилоф равишда, расмий текширув ва сўровсиз, Иштихон туман ИИБ ДАНБ ходимларининг «бошқиднинг топшириги» деган зуравонлиги билан амалга оширилди. Шундан сўнг ички ишлар бўлими, суди ва прокуратураси ўртасида бўзчининг моқисидек югута бошладик. Ҳеч бири арзимизни тингламади. Аксинча, биз беҳадари - Иштихон туман суди раиси вазифасини бажарувчи С.Абдуллаевни 1998 йил 10 март 38-сонли хати асосида автомашина Уроқовга бериб юборилди. Судья хузурига борсак, у «Машина Уроқовни номда, у машинани эгаси, яхшиликча келишинг, бўлмаса ҳеч нимани қила олмайсиз» дейишдан нарига ўтмади.

Биз «ўз дардимизни айтиб, йилга» вилоят, республика идораларига ўнлаб ариза, шикоят бердик, мутасадди ташкилотлар даргоҳларига қатнадик, аммо биророртасидан жўяли жавоб ололмадик. Эшитишимизча, судья С.Абдуллаев ишни фуқаролик низоиси тартибидан қўрмаган, шу сабабли ДАН бўлимиасидан юқорида айтилган хатини қайтариб олибди. Хуллас, 10 ойдан бери машинага ҳам, пулимизга ҳам қўйиб «вод» деб юрибмиз.

Қантонча бундай фирибгарлик, лоқайдлик, эътиборсизлик, адолатсизликка чидаш мумкин?

Гулчехра АМИРОВА,
Абдурахим ЯХШИБОВ,
Самарқанд вилояти Иштихон тумани, Човчи қишлоғи

ТАХРИРИЯТДАН: Азалдан бир латифа юради: эр олиб келсан бир қило гўштини хотини еб қўйиб, эрини «гўштин мушук қурмагур еб қўйибди» деб алдайди. Эр мушукни тарозига тўтиб қўрс, роппа-роса бир қило келадди. Шунда у хотинига «аввало бир қило гўшт қани, уни шу мушук еган бўлса - мушук қани?» дейди...

Бу ерда ҳам иунга ўхшади иш бўлди. «Қулпа-қулпа» бир фирибгар бир оилани бир фириб билан бутун бошли автомашинага туширибди ёки аксинча, «аризачи»лар «бир қилодан қилмаган ноҳақ, асоссиз даъво қилишяпти? Наҳотки, ҳақиқий ҳолатни аниқлаш, ҳар қайсига «тегишли»сини бериш мумкинлик қилин бўлса? Ёки ўнлаб давлат идораларида шикоятлар «хирмон»ни уюш, эшиша ва порозиликлари қўлайтириш, масъул идораларни асосий ва муҳим ишлардан қалтириб, «разбор» билан банд этишини баҳоси қанча? Балким кейингиси битта машинадан қилмаган тушар? Бизнингча, «маҳаллий услуб»дан воз кечиб, «машинанинг эгаси ким, пулини тўлаган шахси ёки ному расмийлашган одамми? Бу ҳаракатларда ҳуқуқ, қонун, инсон манфаати қай йўсунда бузилади? Уни тиклаш, низоларнинг орасини очки керакми?» каби саволларга жавобни зудлик билан топиб бериш керак. Ҳатто ДАН, ИИБ бошлари, судья машинани нимасега асосан бир шахсдан иккинчисига «тортиб» олиб берди, тўғри - қонуний йўл тутилдими? - жавоб керак.

«Мол аччиғи - жон аччиғи» дейдилар ахир! Тарафлар юқоридики саволларга қонқарли жавоб олишмас экан, ҳадибери эшишаларни қасб қилишмайди, порозилик томир отаверади, чамаси.

Биргина маслаҳат беришга журъат этамиз: «Ким қилган фириб берди, ким тиниқ сувои лойқалатмоқчи ва бирор ҳисобидан таралабедоб автомашиналик бўлмақчи?» деган савога фақат унга оғир бўлмаган, бир неча қулик тергов ўтказиш билан ечим топиш мумкин.

Уйлаймики, шундай бўлади.

«ЮГУРАВЕР, МЕНГА НИМА?»

деб аёлни ярим йил сарсон қилган судьяга жазо берилди

1. Сарсонлик

Шоҳиста Усарова деган аёл Қашқадарь вилоятининг Яқаббоғ туманидаги Дунқишлоқда яшайди. Қарамоганда уч нафар гўдак ҳар кун нафақат «нон» сўраб туради. Учта боланинг «хархаш»сини... битта бола ўстираётганлар ҳам яхши тушунса керак. Абл болаларини ювиб-тарайди, тонгача уларни «боқиб» чиқари. Эрталдан яна... ювинтиради, чойини ичиради, кийинтиради, бирини мактабга, бошқасини етаклаб боғчага. Сўнг хизмат, барчасига зир югуради ва... улгуради. Ахир у «жони қирқа»лардан-да!

Шоҳиста қишлоқдаги «Диффуза» номли болалар боғчасига мудрилиқ қиларди. 1998 йил бошларида бу аёлнинг бир ташвишига ўтсан қўйилди. Сабабми, баҳонами, боғчани «топириш» масаласи кўндаланг қўйилди. Шоҳиста ишсиз қолди.

Аёлга алам қилди: «Нега унинг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилади? «Дарҳама-дарғоҳ» югуришлар бошланди. Аммо шикоят ёзиллар, ариза битишлар, қабулхоналарда соатлаб куттиш, сўнг «эртага келинг, индин келинг»ларнинг адоги кўринмасди. Қишлоқдан туман, вилоят марказига қатнашининг ҳам ўзи бўлмайди. Табиийки, бу сарсонгарчиликлар учун маош тўлашмайди, ҳаражатлар учун хизмат сафарни тўлови бериляпти. Рўзгор эса озгини «ғор»дай очиб турибди, болакайлари «бер» деб этакка осилишадди, пойфазалнинг ҳам пошасидан «хотира» қолди, холос. Бу аҳвол ҳафта эмас, ойлар мобайнида давом этса, бир тасаввур қилиб кўрини! Устига устак асаб, адолатсизликдан, турчиликлардан юрак сиқийси...

Аёл халқ тилим мутасаддиси, бошқа амалдорлар қабулида ўз ҳаққини талаб қилаётган эди-я... Кенгча сарсон бўлиб, ҳеч нарсадан битиролмай, малорисиз уйга қайтади, тонгача яна... Усарова қўл олмади, маслаҳат солди, пуллик-бе-

пул фикр олди, ўзининг ҳақ эканлигига шубҳа қилмасди. Шу сабабли ҳам ўрта йўлда тўхтаб қолганини хаёлига келтирмасди. Ниҳоят, судга борди. Аммо туман судида судья вақтинча йўқ экан. Вилоят марказига йўл олди. Вилоят судининг раиси К.Нурматов аёлни Қашқадарь туман судига йўналтирди, ишини қонуний кўришни топширди.

«Судлар мустақилдир, улар фақат қонунга бўйсуняпти!» Ҳа, Конституциямиз, қонунларимиз бу талабни ўзида мустақамлаган. Шу боис ҳам суд, ҳокимият даражаси қўтаришган. Аммо... Қашқадарь туман суди раиси Поён Рузиев суд ҳокимияти мустақиллигини «олиб қолди», қонунга бўйсунмиш қисмини ёлдан чиқарди. У Усарова ишини ярим йил ўтса ҳамки, «поён»ига етказмади.

2. Саргондонлик

«Суднинг устидан эъза, балога қилишин мумкин», деди бир таниши Шоҳистага. «Уйнашмагин арбоб билан...» деб маслаҳат берди иккинчиси. «Бу қандай белодлик, қараб ўтираверасанми?» деди бошқаси... Хуллас, Ш.Усарова Ташкентта адлия вазирини номига ариза битди. Унинг қисқача мазмунидек ҳеч қандай шарҳсиз, судга бўлиб ўтган ярим йиллик саргондончилигини очиб берди.

«1998 йил 23 сентябр кунини вилоят суди йўналтируви билан Қашқадарь туман судига келиб, суд раиси Б.Рузиевга шахсан ариза ва ҳужжатларини топширадим. «Бўпти, бораверинг, иш кўриладиган қўни чақиртирамиз» деб жўнатиб юборди. Кунглим бироз тинчигандай бўлди. Аммо бироз метабдан ортиқроқ «тинчиган» эканман. Аввалига 2 ой давомида суддан ҳеч қандай овоз чиқмасди. Яна «бўзчининг моқисиди»га айланди. Судья Рузиевнинг қабулига (бошқа туман, қишлоғимиздан йўл узоқ) келдим. «Иш кўп» деди. Сўнг «аризангиз бир нусха экан, нуҳсалатиб келинг» деди. Йўлга тушдим. Эртаси у айтгандай қилиб келдим. Тагин «бу ҳужжат кам» деди, зир югуриб турибди келдим (тумандан туманга). Хуллас, етишмаётган ҳужжатлар сафи очиб бораверди. Кўз ўтиб,

қийи келди. Ёмғир қорға, сув музга айланди. Мен эса ҳамон йўлда эдим. Менда пул йўқ. Қарзим ошиб бораверди. Совуққа дидираб, ўзим ҳам болаларим ҳам иситмалаб касалга қалинавердик. Сал оёққа турсам, яна «Қасқадасан Қашқадарь, одил Поён Рузиев!» деб йўлга тушавердим. Судья Рузиев ишимизни 21 ноябрда - бир, 23 ноябрда - икки, 28 ноябрда - уч... Хуллас, кўра-кўра «униси ўпоқ, буниси сўпоқ» деб пайсалга солаверди. Сўнг 1999 йил келди. 29 январда яна, 2 февралда тагин, 5 февралда учинчи марта... суд ишини кўргандай бўлди, натижа эса ўша-ўша... Қатнашларга мажолим қолмади. Кўрпа-тушакка «ийқилдим»... (Ариза узундан-узоқ, қўллаб ёзишмалар, судьянинг тураларча муносабатининг давоми билан «лик» тўла).

3. Судьядан сўров...

Масалага Адлия вазирини шахсан аризашига мажбур бўлди. Вазиятга оидликни киритиш учун вазирликнинг судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармаси бошлиғи С.Ахромўжаев ва бошқарма масъул ходими К.Аллабергенов йўналтирилди. Бир неча кун ичда Қашқадарь туман суди раиси Поён Рузиевнинг «поён»ига етказмаган иш тафсилотлари очилиб қолди. Судья афтидан «беғона туманининг иши, бошимизни қотириб нима қиламан?» қабилида иш тутган чамаси... Ҳатто, аввалига Усарованинг аризасини расмий рўйхатга ҳам олмаган экан. Кейинги «қилинди» экан. Кейинги «қилинди» иборат бўлиб чиқди. Текширувчиларнинг қатъий сўрови олдига эсанқираб қолди, ўз хатосига сабаб ахтаришга, баҳоналарини «қалаб ташлаш»га уринди. Узини оқлаш учун бирим тайсаллади-ей! Аммо... барчаси пайдар-пой чиқди. Қатъий ва қонуний сўров адолатли ва шафқатсиз эди, судьяни «чўқкалатиб» қўйди. У «барча камчиликларни тан олмаган, тавба қилдим, кечиринглар, имконият берсанглар уларни тўзатаман, бундай ҳаракатини бошқа такрорламайман» дейишдан ўзга илож топмайди қолди.

4. Яқун

Ш.Усарованинг дилида қолган «яра»ни ҳисобга олмаганда, сарсонгарчиликлар, ниҳоят, Адлия вазирлигининг аралашуви билан барҳам топди. Суднинг 1999 йил 23 мартдаги ҳал қилув қарори билан бир қишлоқ аёлининг пўтур этган ҳуқуқи ва қонуний мафратли буланди. Шоҳиста ўз ишига тикланди. Мажбуран бекор юрган вақт учун барча маош-ҳақлари ундириб бериладиган бўлди.

Сансоларчи ва «Поён»сиз судья Рузиевга Нисбатан фақат биттагина - сиз воқиф бўлган факт юзасидан, интизомий иш кўзатиш ҳақида Адлия вазирлигининг алоҳида буйруғи чиқди. Оқибатда у Қашқадарь вилояти судлари судьялар малака ҳайъатининг қарори билан интизомий жазога тортилди. Бу ҳали «туғадил» дегани эмас, албатта. Мажбуран бекор юрган вақт! Ҳа, бу вақт учун тўлов - қонун талаби. Шу билан бирга, масаланинг иккинчи тарафи ҳам бор. Бу - ортиқча ва инсофсизлик билан Ш.Усаровани саргондон қилиш оқибатида унинг бузилган соғлиғи, асаби, болаларининг йиллаб тўтган «кўргуликларини» унун моддий ва маънавий зарарини ким тўлайди? Бу ҳақдаги жавоб Адлия вазирлигининг Ш.Усарованига юборган хатига мавжуд: тортан зараринингизни чамалаб, «ўзингиз яшаб турган судга даъво аризаси бериңг!» Ҳа, қонунларимиз бунга йўл беради. Сарсон-саргондонлик учун ҳам тўлаш керак. Уни давлат эмас, айбдор шахс ўз қўнатиқидан тўлаши керак. Ушундан ўзга инсонини сарсон қилишининг нархини баъзи - Рузиевлек судьялар, бошқа ҳар қандай идоранинг мутасаддиси чукўроқ ҳис этиладиган бўлади.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ТАХРИРИЯТДАН: Биз ушбу мақолаи Адлия вазирлигининг биттагина арзасидан ўтказган текшируви материаллари асосида уларнинг «бурун»лари ва розиқисига биноан чоп этидик. Тахририятимизга келаятган хатлар орасида асоссиз сансоларлик ҳақида ёзилаётганлари оз эмас. Бундай аҳвол жамиятимизга харақатлар ҳолатига айланб қолмаслиги керак. Назаримизда, буеуниш - дебача! У бошқаларга сабоқ бўлсин деймиз. Мурса-ю, мадорага урин қолмаётганлигини англаб етишса деймиз. А, лаббай?!



Сирдарё шахрида яшайтган Гофир ота Бобоев бахтли отахонлардандир.

СУРАТДА: Гофир ота Бобоев фарзанди, туман ИИБ участка вақли, милиция капитани Мирсаид Мамаев билан суҳбатда.

Мақолаларимиз изидан

«МОЛ ЎҒРИЛАРИНИ КИМ ЖИЛОВЛАЙДИ»

(«Инсон ва қонун», 1999 йил 16 март)

Шу номли мақоламизга қўйилгандаги жавоб олдик: «Мақола юзасидан Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси хизмат текшируви ўтказди. Ҳақиқатан Ҳушбоқ Сатторов 1998 йил 27 ноябр кунини 4 бош қора молини ўғирлаганини тўғрисида мурожаат қилган. Бу ички ишлар бўлимида расмий қайд этилган.

Воқеа содир бўлган жўдага текзор-тергов гўрғу чиқиб, воқеа жойини кўздан кечирган. Натижада ўз.Р.Жўннинг 169-моддиси билан жиноят иш кўзатишган ва тергов ҳаракатлари тўлағича олиб борилган. Лекин молларни ўғирлаган шахсларни аниқлаш имкони бўлмаган.

Мақолада кўрсатилган «Зил» русумли автомашина ва жиноятчиларни аниқлаш борасида ҳозирги кунда ҳам Самарқанд ва Қашқадарь вилоятлари ҳудудида текзор ишлар олиб бориляпти.


Мақола Нурубод тумани ички ишлар бўлими ва прокуратураси ходимлари ўртасида ўрғаниб чиқилди. Жиноятнинг очилиши раҳбарият томонидан назоратга олинди.

Жавобин Самарқанд вилояти ИИБ бошқиси ўринбосари имзолаган бўлиб, газета хабарида қўйилган асосий масала, яъни ўғрилик ҳақидаги хабарга кечаси эканлигини сабаб кўрсатиб, Нурубод туман ИИБда текзор чора кўрилмаганлиги ҳамда 18 декабрда худди шундай ўғрилик Р.Абдуллаевга нисбатан ҳам содир этилганлиги оқибатсиз қолганлиги фактларига эътибор ҳам берилмабди. Тахририят бундай жавобни «оқсоқ» ёки «ҳа, жавоб юбордик, бўлди-да» қабилида ёндашилган деб баҳолайди.

Мулоҳаза

ҚУРОЛ САҚЛАШ - ЖИНОЯТ

Жамият борки, Усини, улғайиш, тараққиёт ва қонунларга амал қилиш бор. Ва аксинча, қонун бузилгани, тартиб-интизомга бўйсунмаслик, қилиб-бўлмағи жиноят содир этиш каби иллатлар юз бериши табиий. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида турли жиноятлар учун турлича жазо кўрсатилган. Жиноят бор экан, жазо муқаррар. Аммо ўйлаб қолсан киши, бу жиноятлар қилишлар томонидан онгли тарзда содир этилганми? Ёки киши ўзининг ҳаракатида жиноят аломатлари бор-йўқлигини англамайди?



ХОТИРА УЙЖОНСА ЎЗЛАДИ



Ўйбощимизнинг ташаббуси ва Фармони билан 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган халқимизнинг айни кўнглидаги иш бўлди. Шу сана муносибати билан жойларда ўтганларни хотирлаш, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Ана шундай анжуманларда, жумладан, мамлакатимиз қонунчилигини мустақамлаш йўлида фидойилик қилиб, ҳуқуқ-тартибот жабдаларида узоқ йиллар фаолият кўрсатган адиловат дарғаларининг номлари ҳам эҳтиром билан тилга олинмоқда.

Бирлашган тахририятимиз «Ҳаёт ва қонун» журнали ҳамда «Инсон ва қонун» газетаси саҳифаларида таниқли ҳуқуқшуносларимиз ибратли ҳаёти ва фаолиятлари ҳақида бир қатор мақолалар чоп этишни режалаштирган. Журналимизнинг мазкур санага бағишланган сониде Ҳадича Сулаймонова, Мамлакат Восилова ва бошқалар ҳақидаги очерклар билан танишасиз.

Газетамизнинг ушбу саҳифасининг ҳам ана шундай сай-ҳаракатларимиз дебобчаси сифатида қабул қилгайсиз, деган умидамиз.

ТАХРИРИЯТ

ҚАЛБЛАРДА ЯШАЯПСАН, АСЛОМ!

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилояти ҳуқуқшунослари давра суҳбатларида, ҳатто республика миқёсидаги суд, адлия идоралари тадбирларида «бироз олдинги давр» вакиллари бир инсоннинг номини тез-тез тилга олишади. Унда ҳурмат билан айтилган ижобий хислатлар, саводлилик, ҳалоллик, одамохунлик, касбга фидойилик жиҳатлар уфуриб туради.

Бу инсон **Ўзбекистон миллий кадрлари орасида дастлабки бўғинларда ўзини кўрсатган, адлия ва суд соҳасига ўзининг бутун онгли ҳаётини бағишлаган Аслому Раҳимов**дир.



У мамлакат оғир кунлари бошдан кечираётган давр - 30-йилларнинг силсиласи кунларида Самарқанд шаҳрида олдинги ишчилик завоидасида ишчилик ҳаётидаги ишчилик хонадонларидан бирида таваллуд топган. Бир этак фарзандлар тарбиясини замон тўфонларидан эсон олаётган бўлишига бел боғланган Фани ота ва меҳрибон болажон Санобар опа-ни иссиқ бағридан тафти олиб оёққа турганлардан. Халқимизда болалик хотиралари тошга эзилган битик тарзида айтадиган келинади. Асломининг дўстлари, ҳамсуҳбатлари кўп марта болалик тасавурларини «ёртага ташлаган». Унинг ёшлиги ташкилдан кескин фарқ қилади. Замона заили «чўп от» миниб чопишга ҳам, дўстларидан кўп хабарлар ҳам, кинолар томоша қилишга боғу сайилгоҳларда айланган ҳам вақт-имконият қолдирмаган. Агрофла қатонлар, ур-сурлар, оқ-тўқ дақиқалар, меҳнат ва сўнг... дахшати фашизм хуруж... радиодан-да бетиним эшитилиб турувчи мотам садолари, замбаракларнинг гўмбур-гўмбур, қўлтиқтақча поезддан тўшган шинели одамлар, «ота-эр-ўғил»ларини муш-тоқлик билан кутиб юрган қиз-абелларнинг оғир, мунгли нигоҳлари...

1950 йил. Урта мактабни муваффақиятли тугатган Аслому мурабийлари, ота-онасидан фаво олиб, адиловат йўлида хизмат қилишни дилига тугиб, Тошкентга келди. Тошкент Давлат юридик институтига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Тўрт йил ҳуқуқдон, қонун-чиликдан сабоқ... 1954 йилда аъло баҳолар билан тўла ҳужжат ва олий ҳуқуқшунос дипломи соҳиб бўлиб ота юрт - Самарқандга қайтади. Шу йили вилоят адлия идораси даргоҳига қалам қўяди-ю, умрининг сўнги дақиқаларигача...

батларини «танг» қолдирди. Юқори малакали судья сифатида аҳоли ўртасида ҳуқуқ тарғиботи, ҳуқуқий онг ва маданият тарғибининг ҳаётини оқшатирилган эди. Уни устоз дегувилар сон-санок-сиз... Дўстлари Асломининг судьялик фаолиятини, шахсий ҳаёти ҳаммавақт ҳам сип-силлик, равон кечмаганлигини эслашади. Отасини 1962 йилда, ойижонини 1982 йилда, акаси Омони 1980 йилда, Акромни 75 йилда, опаси Нисони 1986 йилда дорул-бақога узатилади кўп изтироблар чекди, тулган акаси Хуршидиннинг бошига ташвиш тушганда беҳад қисинди, қийналди. 80-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонга ташланган «Гўла-Иванов» десантчилари билан ҳам «олишув»га тўғри келди. Орқадан «ташланб қилиш»лар, бе-қиёс «оёққа чалиш»лардан ҳам қуруқ қолмаган бу инсон, барчасини сабр-бардош-ла орта қолдирди.

У 58 ёшда ҳам сарвдех қоматини, ғайрат жўш уриб турувчи жуссанини, нур ёғилиб турган қиёфасини сақлаб қолган эди. Шафқатсиз ажал - автофалокат тудайли Асломини орамиздан олиб кетди. У тирик бўлганда бутун 70 ни қоралаб қолган бўларди. Балким бироз қариб мункайган бўлармиди?! Дўстлари хотирасида, қалбиде эса Аслому тирикчилигидаги бўй-баста, келбати билан қолган.

Рўхнинг шод бўлсин, Аслому! **Мархумнинг бир гуруҳ дўстлари, шоғирдлари «топшириғи» билан Файзулла ҚИЛИЧЕВ**

ҲАЁТ БИР МАРТА БЕРИЛАДИ



Сирожиддин РАППОВ

Мустақиллик шарофати билан инсон хотираси, унинг қадр-қиммати угулланаётган, эъзозланаётган ғанимат кунларда марҳум ҳуқуқшунос Баҳоидир Алимовнинг умр йўли, бетакор фаолияти ҳусусида сўз юритишга эҳтиёж сезилди. Ийрик адиб Роман Роллан ҳаёт ва мамот ҳақида фикр юритаркан, шундай деган эди: «Шундай марҳумлар борки, улар тириклардан кўра барҳатроқдир, лекин шундай тириклар борки, улар марҳумлардан кўра марҳумроқдир».

Иккинчи жаҳон урушининг сўнги - 1945 йилда Хоразм вилоятининг Шовот туманида таваллуд топган Баҳоидирнинг болалиги «қаҳри қаҳратон» йилларнинг захри босилмаган кунларга тўғри келди. Хар хил етишмовчиликлар бўй кўрсатиб турган даврда адиловатга эҳтиёж катта бўлади. Шу боисми ўрта мактабни муваффақиятли тугатган Баҳоидир ака ҳуқуқшунос адиловат посбони бўлишга аҳд қилади. 1964-69 йиллар Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини таълим олади. Тошкент шаҳар Яқкасарой (Фрунзе) тумани прокуратурасида иш бошлаган ёш мутахассис Республика Прокуратурасида прокурор, Бухоро вилояти прокуратурасининг биринчи ўринбосари, Бухоро вилояти суди раиси лавозимига бўлган ибратли йўлни босиб ўтди. У қаерда ишламасин қонунлар барчага баробар бўлиши учун курашди, қонунларни муқаддас билиб, улганга риоя қилмоқчи барчаннинг бурчи эканлигини тарғиб ва ташвиқ қилди. Баҳоидир ака одил суд барча ижтимоий эътиборнинг пойдевори эканлигини, судьялик эса фақат ҳалол, холис ва сермулоҳаза одамларга раво эканлигини кўп тақдорлар эди. Бурча содиқлик шахсий манфаатлардан воз кечишни талаб қилиши сир эмас. Баҳоидир ака бурч ва номус йўлини муқаддас деб билган ҳуқуқшунос устоз эди.

Тақдирнинг ёзиғи олдиде инсон ҳаминча ожиз. Таъриблик ҳуқуқшунос Баҳоидир акани куч-қувватга тўлган, мустақил мамлакатимиз қонунчилигини мустақамлаш борасида завқу шавқ билан меҳнат қилгандаги бир паллада тақдир ҳукмига бос элди. Аммо у кишининг бошлаб қўйган эъзу ишларини бугун қўйлаб шогирдлари давом эттирмоқда. Демакки, таниқли ҳуқуқшунос Баҳоидир Алимовнинг муқаддас хотираси ҳам дилларда мангу яшамоқда.

Сирожиддин РАППОВ

УМР - ОҚАР ДАРЁ



Инсон умри ҳам шу дарё мисол гоҳ мавжланади, лойқаланади, гоҳ тинч, оёсийта, ложувар осмон мисол тиниқ кечади. Ана шундай қалб-дари инсонлардан бири марҳум Шавкат ака Исроиловдир. Ҳозир у киши ҳаёт бўлганда 68 баҳорни ойласи, фарзандлари, неваралари, қўйингки, ўзи севган, уни севган эди, халққу қуршовида мустақил юртимизнинг бугунги жамолига мафтун бўлган ҳолда кутиб олган бўларди.

1931 йилда таваллуд топган Шавкатжоннинг болалиги, ўспиринлик даври Андижонда кечди. Урта мактабни муваффақиятли тамомлаб, 1947 йилда Тошкент Давлат юридик институтига кириб, 1951 йилда тугатди ва дастлабки иш фаолиятини ўзи туғилиб ўсган шаҳардаги ташкилотлардан бирида юрист-маслаҳатчи бўлиб иш бошлади. Институтда олган билимини, устозлар ўғити, маслаҳатларини ўзининг иш фаолияти дастурига асос қилиб олди.

Инсон меҳнати билан гўзал, дейди халқимиз. Меҳнат инсонни улғулайди. Шавкат ака заҳматкаш инсон эди. Иш масъулияти, илм кудратини қалбан ҳис қиларди. Меҳнат қадри - ўз қадрим деб биларди. Қайси жойда, қайси лавозимда ишламасин, халқ дартига қулоқ тутар, қувончу шодлиқларига шерик бўларди.

Шавкат ака Исроиловнинг меҳнатга бўлган чанқоқлиги, фидойилиги ва жонкуярлиги бесамар кетмади. Олдин юрист-маслаҳатчиликдан халқ судьяси, Андижон вилоят суди раиси ва вилоят адлия бошқармаси бошлиғи каби шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Ўзининг ҳалол меҳнати тудайли бир қанча мукофот ва фахрий ёриқлар соҳиб бўлди.

Ҳа, бугунги кунда у кишининг ортида қолган баркамол фарзандлари, етук шогирдлари юртимиз истиқбол, равнақи йўлида меҳнат қилмоқдалар. Зеро, ҳаётда чин инсон бўлиб ишлаш шарафи халқ тилига, дилига кўчади. Инсон қадри ҳам ана шунда.

Ортиқбой ХУДОЙБЕРДИЕВ

ЧАҚМОҚДАЙ ЧАҚНАБ ЎТДИ НУРИДДИН

Ҳа, у ҳаёт бўлганда бугун 35 баҳорни қаршилаган бўларди. Нуриддин вазираликда бор-йўли олти йил ишлади, холис. Бироқ шу қисқа давр мобайнида у бир инсон олти-етмиш йил умри давомида қилиб улгурмайдиган ишларни қилишга улгурди. Мустақил юртининг асл фарзанди, давлат хизматчиси қандай билим, истеъод ва қобилиятга эга эканлигини намойиш қилди.

Бугун биз марҳумларнинг руҳи-поқларига ҳурмат бажо келтириб, уларни эслашимиз. Чунки одам жисман фойли дунёни тарк этса-да, руҳан йўқ бўлмайди, у ўз қилган ишлари, хулқ-атвори билан бирга меҳнат қилган ҳамкасблари қалбиде абадий қолади. Адлия вазирилик Институтининг ислохот бўйича қонунчилик ва меҳнати ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертиза қилиш бошқармаси бошлиғи Нуриддин Норигтов Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида туғилиб воғта эди. У Тошкент Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатди.

1992 йилда Адлия вазирилик Жамоат бирлашмалари бошқармасига катта маслаҳатчи вазифасига ишга келиб, кейинчалик етакчи маслаҳатчи, Бош маслаҳатчи ва бўлим бошлиғи лавозимига кўтарилди. 1995 йилдан умрининг сўнги кунларигача бошқарма бошлиғи лавозимда фаолият кўрсатди.


Нуриддин кўл остида ишлайдиган ходимларнинг шахсий дартларини эшитишга ўзиде имкон топади ва бу муаммоларни ҳал қилмагунча ўзи ҳам тинчмасди. Ҳамкасбларнинг тўю маъракаларида ҳаминча бирга бўларди. Катта-ю, кичик билан қаерда учрамасин «Ассалому-алайкум» каломини қанда қилмасди. Уни расмий давраларда, учрашувларда, куча-қўйда, ўз хизмат хонасида бирон маротаба билан овозда ёки қўлоқ гапирганини эшитмаганман. Ишхонасининг чироғи хар кунни тунги 23-24 ларгача ёниқ бўларди. Шанба, якшанба кунлари ҳам уни ишдан, вазириликдан топарингиз. Бирга ишлайдиган йиллари у «Вазирилик бизнинг иккинчи ўйми» деган иборани тез-тез такрорларди. У давлат ишини, юрт юмушини ҳаминча бирламчи деб биларди.

Яхшилар икки бор ишайди, дейишади. Нуриддин ана шундай инсонлар тоифасига мансуб эди.

Емоплари асло ёмон демаган, Ўхшилар ёмонлар томон демаган, Ўхшиларга боқмас замон демаган, Чақмоқдайин чақнаб ўтган Нуриддин.

Исмаилов МАМАНОВ, Адлия вазирилик бошқармаси бошлиғи

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин



КЕТМОНЧИДАН ЧИҚҚАН ҲУҚУҚШУНОС

Езиқул энди бир ёшга қалам кўйганда далаи Саид ака ёруғ оламдан кўз юмди. Меҳрибон онажони Шодиғул опа унинг пешонасини силлади, отаси йўқлигини билдирмай, меҳр билан тарбиялаб ўқитди. У ўзи туғилиб ўсган Қорақул туманидаги Воҳим қишлоғи яқинидаги ўрта мактабни тугатган кезлари 2-3 синфдош ўртоғи Тошкентдаги шаҳарга ўқинишга бормоқчи эканини мактабни гапириб қолди.

Июк, у ўртоқларига қўшилиб, ўқинишга кетолмади. Мактабда ўқиб юрган пайтида, дарслардан сўғ бориб ишлаб юрган жамоа ҳўжа-лигида ишлаб қолди. Шу ҳўжаликда 1962 йилгача, яъни 24 ёшигача олдинги ишчи бўлиб, далада кетмон чоғди, сувчи бўлиб экинларга сув берди. Аммо сира китоби кўилдан қўйилди. Кечаси-ю, кундузи мутоалаа қилди. Ўқинишга кетган дўстлари тавғилга келганда «Ҳа, Ези, колхозчи бўлиб қолиб кетдингми энди?» дейиша, «ўқининг ҳам вақт-соати келиб қолар» деди.

Айтганини қилди. Шу

қуни Тошкентга жўнади, университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига имтиҳон топшириб, ўқинишга кириб қайтди. Орадан 2-3 ой ўтмасдан бу олдин колхозчи йигитнинг юридик илмига қобилиятини сезган туман раҳбарлари уни Бухоро шаҳар юридик маслаҳатхонасига, мудир этиб тайинладилар. Ўқининг иккинчи босқичига ўтиб қайтганидан сўнг эса туман ўртоқлик судининг раиси бўлди.

Езиқул университетнинг пайти кўрселарида ўқитган пайтидаёқ 1967 йил ноябр ойида бўлиб ўтган халқ судьялари сайловиде юз фоиз овоз билан Гўжлудон тумани халқ судьяси раислигига сайланди. У хар бир жиний ишини кўришда, аввало, инсон тақдирини ўйларди, айбдорлар фақат чора кўришни ўйламасдан, ишчи хар томонлама таҳлил қиларди сўнг хулоса чиқарарди.

Шундан кейинги йиллар Езиқул Саидов Когон шаҳар, Вобкент тумани халқ судья-лиги сайланди. Бухоро вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича раис ўринбосари, жиний ишлар бўйича раис ўринбосари, раис, вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи вазифаларида ишлади.

Езиқул ака кўплаб шогирдлар тарбиялаб, воғта етказди. Бугун у кишини устоз деб билган ўнлаб ҳуқуқшунослар мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идораларида ҳалол хизмат қилиб келмоқда.

Устознинг биз шогирдлардан ҳаминча хар ишта адиловат билан ёнашимизнинг талаб этардилар, - дейди Бухоро вилояти ҳокимлигининг ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар, факултетида вази-лар ва харбий сафарбарлик масалалари бўйича гуруҳ раҳ-барли Фазилддин Холов. - У киши қонунларни тарғиб қилишда ҳам ташаббускор эди.

Мен Республика юристлар малакасини ошириш марказида ишлаб юрган кезларим бу инсон билан бир неча бор



урашиб, суҳбатлашиб, у кишининг ўз касбининг зукко билимдони эканига амин бўлдимки.

Таассуфки, бевақт ўлим олди кетмончида чикқан таниқли юристни барвақт олиб кетди. У 1994 йилда Когон тумани суди раиси бўлиб турган пайтда вафот этди. Аммо юртлошлари у тўғрисида доимо яхши гаплар айтади, унинг хотирасини эсга оладилар.

Элмурод МУТАЛУҲ ЖАЕВ, Адлия вазирилик қошдаги Ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш маркази бош директори

СУДИМИЗ ОТАХОНИ ЭДИ



Соғлиқ йўқотилганда, боилик ноўрин харжланганда, яхши инсон оламдан ўтгандагина қадри билинади, деган ҳикमत юрди қадимдан. Истеъодли ҳуқуқшунос, қабри дарё инсон, меҳрибон устоз, қаттиққўл адиловатчи - Мухримжон Расулов ҳақида гап кетса, унинг ана шу хислатлари қадрланади.

Мухримжон аканинг болалиги 30-йилларнинг олаасир, қама-қамалари айни авж олган кезларга тўғри келди. У 1937 йил 24 январда Тошкент шаҳрида ишчи-хўнаранд оиласида туғилди. Отадан эрта етим қолган Мухримжоннинг болалиққа дахлдор ширин дамлари иккинчи жаҳон урушининг ачиқ аламлари билан қоришиб кетди. Йўқчилик, очарчилик, уруш оқибатлари, юз берган жу-доликлар алами қабри се-зилиб турган кезлар эди. 16 ёшли Мухримжон оила-га дала бўлиш учун 6-синфдан ўқиниш кечки мактабга алмаштириб, «Мел-белчи» ателесида дурад-горга ёрдамчи бўлиб ишга кирди.

Ҳаётдаги оғирчилик, айрим дини-иймонини

ютиб, ёшлар, қариялар, одамлар ризқига чанг солаётганларни, яхши инсонларни қуруқ тўхмат билан ба-дон этаётганларни ўз кўзи билан кўргани - ёш Мухримжон қалбиде ҳуқуқшунос бўлишга чўғ солган бўлса не ажаб. У 1957 йил 10-сифдини тугатиб, Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқиниш кирди. Амалийёт билан назарияни бирга кунг билан ўрганган ва университетни имтиёзли диплом билан тугатган М.Расуловга катта ишонч билдирган Республика Прокуратураси уни 1962 йил Наманган вилояти Чуст туман прокуратурасига терговчи этиб ишга юборди.

Оғир йиллар эди. Шунга қарамай, содир этилган жиноятни кунг билан ўрганарди. Айбдорнинг ижтимоий келиб чиқишига, жиноятга дахлдорлигига ва бу қилмишда унинг айби қай даражадалигига алоҳида эътибор қаратар эди. М.Расулов ҳаётда жазони ўтаб чиқиб, фойдали меҳнат билан банд бўлган, яхшилар қаторидан жой олган кўйлаб «маҳ-бусларини кўрганда ич-ичидан яйраб кетарди ва дилдан «тарбияланибди» деган ўй ўтарди.

М.Расулов кейинчалик Чуст туманидан Янгикўрган туман прокуратурасига терговчи этиб тайинланди. 1965 йил ноябрдан эса Тошкент вилояти прокуратурасига бўлим прокурори, кўп ўтмай Республика Прокуратурасининг судларда жиноят ишларини кўришни назорат қилиш бўлими прокурори, Ангрэн шаҳар прокурори, Чилонзор тумани прокуратурасида бош терговчи ва 1991 йилдан эса

Саҳобиддин СИРОЖИДИНОВ, ҳуқуқшунос

<p>МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ</p>	<p>Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ</p> <p>ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ Сафар АЙЗАРОВ Парахат АЙТНИЕЗОВ Бурхон БЕКМИРЗАЕВ Шавкатжон МАВЛОНОВ Неъмат АМИНОВ Абдул ТўХТАШЕВ</p>	<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Тухтамурод ХАСАНБОЕВ (масъул котиб) Зайниддин ИСЛОМОВ Ҳамза ЗОКИРОВ Миршоҳид МИРҲАМИДОВ Нормейли НОРПУЛАТОВ</p>	<p>Индекс: 646882</p> <p>«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририятда саҳифаланди. А-2 бичижда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртга Г-0397. Тиражи-10.000. Босиниша топшириш вақти 21.00. Босиниша топшириш вақти 20.00</p>	<p>Навбатчи: С.СИРОЖИДИНОВ Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Д.НОРМИРЗАЕВА терувчи: М.ДУСТОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41</p> <p>«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.</p>	
---	--	--	--	---	---	--